







03-03 ЎТГАНИБ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Туянинг ювошлиги ҳаммага маълум ва машхурдир. У шу қадар ювошки, агар бир бола тизгинидан тутиб юз фарсанг йўл юрса ҳам, итоатдан чиқмайди. Лекин тахликали дарага рўпара келиб, бола нодонлик билан ўша томонга юрмоқчи бўлса, унинг кўлидан тизгинини шартта юлқиб олади-ю, ортиқ унга итоат этмай кўяди, чунки қаттиққўллик қилиш лозим бўлган маҳалда, кўнгилчанлик қилиш дуруст эмасдир.

Кимки ўз билимдонлигини кўрсатмоқ учун бошқа одамнинг сўзини кесса, ўзининг ўта нодон эканини намойиш қилган бўлади.

Либосим остида бир ярам бор эди. Ҳар куни устозим: «Яранг қалай?» деб сўрар, лекин ҳеч маҳал: «Яранг қаерда?» демасди. Шунда устозим атайлаб шундай савол беришдан ўзини олиб қоцаётганини англадим, чунки одоб қоидасида киши вужудидаги ҳамма аъзонинг номини ҳам тилга олинавермайди.

Ёлгон гапирмоқ ҳам ханжар зарби қабиридир: жароҳат тузалса-да, изи қолади. Юсуфнинг акалари ёлгончиликда шухрат топганларидан кейин, уларнинг рост сўзларига ҳам ишонч қолмади.

Коинотнинг энг буюғи зоҳиран инсон ва мавжудотлар орасида энг хор ва паст итдир. Лекин барча донишмандлар бир оғиздан: «Қадр билмас одамдан вафодор ит яхшидир», дейдилар.

Нафс овораси бўлган одамда ҳунар бўлмайди, ҳунарсиз одам раҳбар бўлишга ярамайди.

Бахтиёр кишилар ўз эзгу ишлари ибрат тариқасида насллар оғзига зикр этилганига қадар ўзларидан аввал ўтганларнинг яхши ишларидан ибрат оладилар. Ўғрилар эса то қўллари кесмагунларича, ўғирлик қилишдан қўл тортмайдилар.

Оқибати вой бўладиган шох бўлишдан келажак порлоқ гадо бўлган яхши.

Осмондан ерга неъмат ёғади, ердан осмонга губор кўтарилади. Идишда нима бўлса, шу сизиб чиқади.

Олтинни кондан қазиб олинади-ю лекин бахилдан жони билан қўшиб олинади.

Ўзидан заифларга шафқат қилмаган одам ўзидан кучлининг зулмига дучор бўлади!

Оламда биринчи марта бармоғига узук таққан одам Жамшиддир. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнатни чап кўлга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг кўлинг ўнг кўл эканининг ўзи буюк зийнатдир».

Подшоҳ — золимлар зулмини дафъ этиш учундир, миршаб каллақасарлар учун, қози эса ўғриларнинг кенгашчисидир. Шунинг учун ҳақиқат ризо бўлган икки даъвогар қозининг ҳужурига бормайди.

Ҳаммининг тиши нордон нарса ейишдан қамашади, аммо қозиларнинг тишлари ширин нарса ейишдан қамашади.

Икки тоифа одам бу дунёдан ҳасрат билан ўтди: бири — йигиб-йигиб емаган, иккинчиси — илм олиб, илмига амал қилмаган!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт БАСКЕТБОЛ МАЙДОНЧАСИДА — ЁШЛАР

ШАҲРИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИ СПОРТ ЗАЛИДА ИККИ КУН ДАВОМИДА ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАР ВА МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР ЎРТАСИДА «СПЕЦИАЛ ОЛИМПИКС» ДАСТУРИ АСОСИДА БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Турнирда жами 11 та жамоа (шундан учтаси қизлар командалари) голиблар сафида Ўзбекистон терма жамоаси таркибига кириб, 2008 йилда Францияда ўтказиладиган халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритиш мақсадида ўзаро баҳс юритди.

Кизлар ўртасида Яққасарой туманидаги 25-ёрдамчи мактаб жамоасига тенг келадиганлар топилмади ва улар ҳақли равишда олтин нишонларни кўлга киритишди.



медаллар, Фахрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

Кўрғазмалар

ЁРҚИН ДУНЁ

ЯҚИНДА ИКУО ХИРАЯМА НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИДА РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИ ВА АМАЛИЙ САЪНАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ ЎҚУВЧИЛАРИ МОҲИРА ИБРАГИМОВА ВА ДАМИР ДЮСЕКЕНОВНИНГ «ЁРҚИН ДУНЁ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРҒАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Моҳира рангтавсир бўйича чизган расмлари билан Россия, Хиндистон, Жанубий Корея ва Туркия давлатларида ўтказилган халқаро болалар расмлари танловларида қатнашди.

Дамир Дюсеқенов ҳам ёш бўлишига қарамай аъло даражадаги ютуқли натижаларга эришди. Республика ва халқаро болалар танловлари ва кўрғазмаларида ўз расмлари билан фаол иштирок этди.

1999 йил Хиндистонда бўлиб ўтган халқаро «Шанкар» номидаги болалар расмлари танловида иккинчи ўринни эгаллади. БМТнинг 2005 йил «Оила йили»га бағишлаб чоп этган осма тақвими муковаси Дамир Дюсеқеновнинг ижодий иши билан безатилди.

2006 йилнинг май ойида Ольга Шин якка тартибда фаолият юритувчи «Диадент» хусусий корхона врач-стоматологи В.Кимга тишларини протез қилиш учун мурожаат этди.

да бўлар экансиз бу иккала иқтидорли ёшларнинг чизган расмлар кўрғазмасини томоша қилиб ҳайратингиз ошаверасди. Уларнинг ҳар бир расмларида ёшлар дунёсига хос беғуборлик ва ўшқинлик мужассам. Мусаффо осмон, зарҳал нуралини соцаётган кўёш, эртаклардаги фаришта ва алвастилар ёки нақшин безаклар билан безатилган расмлар шодаси, мини-атюра жанрида яратилган шарқ эртаклари коллекцияси бу иккала ёшнинг келажак порлоқ эканидан далоят беради.

Бу муаммо эмас, — деди тиш дўхтири қулиб, — тез орада тишларингизни аввалгидан ҳам чиройли қилиб қўямиз.

Даволаш янги огрикни келтириб чиқарди. Бемор О.Шин шу клиниканинг ўзида терапевт муолажасини олишга киришди. Бунинг учун

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ФАОЛ МУАЛЛИФЛАРИМИЗДАН БИРИ БЎЛГАН АСРОР МЎМИННИ ШОИР ВА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИ СИФАТИДА ЯХШИ БИЛИШАДИ. УНИНГ «ТАВАЛЛУД», «ЮРАК», «СЕВГИ ТУЛПОРИ» КАБИ ШЕЪРИЙ КИТОБЛАРИ, УЛУҒ ШОИРЛАР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР ЖАМЛАНГАН «ХХ АСР ШЕЪРИЯТИ» ТАРЖИМАЛАР ТўПЛАМИ ШЕЪРХОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПГАН. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗДА СПОРТ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН УЛКАН ГАЛАБАЛАР АКС ЭТТИРИЛГАН «ПРЕЗИДЕНТ. СПОРТ. ГАЛАБА!», «СЕНИНГ ЮЛДУЗЛАРИНГ, ВАТАН!» СИНГАРИ НАСРИЙ КИТОБЛАРИ ЭСА СПОРТ МУХЛИСЛАРИ ТОМОНИДАН ИЛИҚ КУТИБ ОЛИНГАН.

Янги нашрлар

«ЧЕМПИОНЛИК СИРЛАРИ»НИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Яқинда Асрор Мўминнинг «Саккизинчи мўъжиза» шеърий китоби (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти) ва спортга бағишланган «Championlik sirli» деб номланган тахлилий мақолалар тўплами («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти) нашрдан чиқди.

Унинг «Championlik sirli» китобидан эса, халқимизнинг жисмоний маданиятга оид бой мероси, юртимиз ва жаҳон спорт юлдузларига бағишланган мақолалари жой эгаллаган. Албатта, спорт мухлисларида шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосим-жонов, биринчи ўзбек Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, машҳур футболчилар — Зидан, Роналдо, таниқли баскетболчи Арвидас Сабонис, теннис малакаси Мария Шарипова ҳақидаги мақолалар катта қизиқиш уйғотди.

Уйлэйимзки, иқтидорли шоир ва спорт журналистининг янги китоблари билан дийдорлашув Сиз азиз ўқувчиларни мамнун этади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Қилмиш-қидирмиш

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

ЛЕКИН БУНДАЙ ХАТОЛАРГА БОШҚАЛАР ДУЧ КЕЛМАСИН

СОҒЛИҚ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК. АММО БУ БОЙЛИКНИНГ ОРҚАСИДАН, ЯЪНИ БИРОВНИНГ СОҒЛИГИ ЭВАЗИГА БОЙЛИК ОРТИРИШГА УРИНИШ — ЖИНОЯТ. АФСУСКИ, БАЪЗАН ШУНДАЙ ВОҚЕАЛАР ҲАМ ЮЗ БЕРИБ ТУРАДИ. БУНДАЙ ВОҚЕА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, 5-МАВЗЕ, 24-УЙДА ЖОЙЛАШГАН «ДИАДЕНТ» ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИДА РҮЙ БЕРДИ.

180000 сўм тўлади, бироқ яна унга тўлов қозғози берилмади.

Дард эса кучая борди. Беш ой давомида О.Шин шунча пул сарфлаб олди олтига тиши хануз қўйилмаганлиги сабаб тузукроқ гапиролмас, базур оватланар, хатто ташқи кўёфаси ҳам ўзгариб кетганди.

хизмат кўрсата бошлади. Буни Чилонзор туман давлат солиқ инспекциясининг 2007 йил январь ойидаги текшируви ҳам тасдиқлайди.

Шундан сўнг Ольга Шин даволаётган тишининг рентген суратини шифокор В.Кимга кўрсатди. У эса, «тиш илдири пломбаламаган, хатто плomba излари ҳам йўқ-ку» дея таажубланди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган лицензияга риоя этилмаган, ортопедия муолажалари бўйича қайд этиш дафтари юритилмаган.

Шунингдек, текширув давомида жами 72520 сўмлик ҳеч бир ҳужжатсиз, сифат сертификати бўлмаган тиббий дори-дармон ва жиҳозлар борлиги аниқланди.

Унинг талабига кўра, бемор олпига тишини протез қилиш учун 420 АҚШ доллари ва учта металл шифт учун 45000 сўм тўлади.

Вазирлик томонидан аниқланишича, В.Кимнинг фақатгина терапевт стоматологига муолажаларини амалга ошириш учун лицензияси бўлгани ҳолда, ноқонуний равишда ортопедик ва жарроҳлик стоматологияси билан шугулланган келган.

Текширув натижаларига кўра, тегишли ҳужжатлар стоматолог В.Кимга маъмурий жазо тайинлаш учун «Маъмурий амалиёт» сектори-га узатилди.

Бу орада В.Ким индамасдан, беморни оғохлантirmасдан меҳнат таътилига чиқиб кетди. Во, ажаб! Кейинчалик, тишларни протезлаш жараёнида керамик масса қўчиб тушиб металл қарқасда тешик ҳосил бўлди.

Вазирлик томонидан аниқланишича, В.Кимнинг фақатгина терапевт стоматологига муолажаларини амалга ошириш учун лицензияси бўлгани ҳолда, ноқонуний равишда ортопедик ва жарроҳлик стоматологияси билан шугулланган келган.

Текширув натижаларига кўра, тегишли ҳужжатлар стоматолог В.Кимга маъмурий жазо тайинлаш учун «Маъмурий амалиёт» сектори-га узатилди.

— Ярамас, материални тежаб қолган-да, ҳеч қиси йўқ, буни қоришма билан суваб қўйса бўлади.

Вазирлик томонидан аниқланишича, В.Кимнинг фақатгина терапевт стоматологига муолажаларини амалга ошириш учун лицензияси бўлгани ҳолда, ноқонуний равишда ортопедик ва жарроҳлик стоматологияси билан шугулланган келган.

Текширув натижаларига кўра, тегишли ҳужжатлар стоматолог В.Кимга маъмурий жазо тайинлаш учун «Маъмурий амалиёт» сектори-га узатилди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Республика Кўчмас мулк биржаси қуйидаги хоналарни ижарага беради!!!

- Биринчи қаватда 31.2кв.м.
•Биринчи қаватда 21.8кв.м.
•Учинчи қаватда 29.96 кв.м.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қорақамиш 2-4 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-80-31; 228-78-96

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалангангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 1107